

**ҚАЙТА ТИКЛАНУВЧИ
ЭНЕРГИЯ МАНБАЛАРИНИ
КЕНГАЙТИРИШ БЎЙИЧА
КЎРСАТМАЛАР БЕРИЛДИ**
Президент Шавкат Мирзиёев
27 февраль куни қайта тикланувчи
энергия манбаларини кенгайти-
риш чора-тадбирлари юзасидан
ийгилиш ўтказди.


**ИНВЕСТИЦИЯ ВА САНОАТ
СОҲАЛАРИДАГИ
УСТУВОР ЙЎНАЛИШЛАР
КЎРСАТИБ ЎТИЛДИ**
Президент Шавкат Мирзиёев
27 февраль куни инвестициялар
жалб қилиши ва саноатни ривож-
лантириш масалалари юзасидан
ийгилиш ўтказди.

**НОГИРОНЛАРГА ҚУЛАЙЛИК
ВА ИМТИЁЗЛАР**



«Ногиронлиги бўлган шахс-
ларни қўллаб-қувватлаш тизи-
мини такомиллаштиришга доир
кўшимча чора-тадбирлар тўғри-
сида»ги Президент қарорига кўра,
ногиронлиги бўлган шахсларнинг
жамият ҳаётининг барча соҳа-
ларида иштирок этишлари учун зарур
шарт-шароитлар яратилади.

**ПРЕЗИДЕНТ МАКТУБИ
ЕТКАЗИЛДИ**



Президент Администрацияси
раҳбари Сардор Умурзоқов Қатар
Амири Шайх Тамим бин Хамад
Ол Соний билан учрашиб, унга
Шавкат Мирзиёевнинг мактубини
етказди.

**ТЎРА БОБОЛОВ ЯНГИ
ЛАВОЗИМГА ТАЙИНЛАНДИ**



Сурхондарёнинг собиқ ҳокими
Тўра Боболов Савдо-саноат пала-
таси раисининг биринчи ўринбо-
сари этиб тайинланди.

**МАЛАЙЗИЯДА ЎЗБЕКИСТОН
МАДАНИЯТИ ТАРҒИБОТИ**




Эртага Малайзиянинг Куа-
ла-Лумпур шаҳридаги «Малайзия
Ислom санъати» музейида очила-
диган «Ўзбекистон – Ислom ци-
визацияси маркази» фотокўр-
газмасида сўнгги икки минг йил
давомида ҳозирги Ўзбекистон ҳу-
дудида ривожланган Ислom та-
рихи, маданияти ва турли тамад-
дунларга хос осори-атиқалар, қа-
димий ва бой маданий мерос
дурдоналари тасвири, тегишли
маълумотлар намойиш этилади.

**1 МАРТДАН БОШЛАБ
АИ-80 БЕНЗИНИ 6800
СЎМДАН СОТИЛАДИ**



13 декабрдан АИ-80 бензи-
нига акциз солиғи бекор қили-
ниши натижасида у ўртача 6800
сўмдан 5700 сўмгача арзонлаш-
ган эди.

**ЎЗБЕКИСТОН – «СТРАНЖА»
ТУРНИРИДА БИРИНЧИ**



Болгариянинг София шаҳрида
яқунланган «Кичик жаҳон че-
мпionato» мақомидаги «Странжа»
турнирида мамлакатимиз «чарм
кўлқоп» усталари умумжамоа ҳи-
собида 1-ўринни эгаллади.

Ishonch

Yurt taraqqiyoti yo' lida birlashaylik!

O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi nashri • Gazeta 1991-yil 21-martdan chiqq boshlagan



**Иқтисодийёт ва
моллия вазирлигига!**

Салкам 3 МИЛЛИАРД сўмлик ҳавога «чизилган» белгилар!

**Ҳуқуқ-тартибот идоралари томонидан
Автомобиль йўллари қўмитаси таркибидаги «Ўзавтойўлбелги»
давлат унитар корхонаси фаолиятида ноқонуний
ҳолатлар аниқланган эмиш.**




«Йўл ҳаракати хавф-
сизлигини таъминлаш ти-
зимини янада такомил-
лаштириш чора-тадбир-
лари тўғрисида»ги қарорга
мувофиқ, «Ўзавтойўлбел-
ги»га истисно тариқасида
(нега ва нима учун бундай
«имтиёз»?) маҳаллий ва хо-
рижий ташкилотлар билан
энг яхши тақлиф орқали
маҳсулотларни сотиб олиш
тўғрисидаги шартнома-
ларни танлов савдоларини
ўтказмасдан тузишга рухсат
берилган экан.

Аммо ДУК мансабдор-
лари 2021-2022 йилларда
яқин «ҳамкорлар»и бўл-
ган 5 та маҳаллий МЧЖ би-
лан жами 9 млрд. 193 млн.
сўмлик 21 та шартнома
тузган. Натижада улардан
йўл белгиларини яшаш ва
чиқишда фойдаланилади-
ган маҳсулотларни эркин
бозор нархларидан қим-
мат нархларда харид қи-
линиб, 2 млрд. 701 млн.
сўм миқдоридида бюджет
маблағлари ҳавога «чи-
зилган».

Талон-торож қилин-
ган маблағ юзасидан
«Ўзавтойўлбелги» ДУК ва
5 та МЧЖнинг мансабдор
шахсларига нисбатан жи-
ноят иши қўзғатилган.
Шу ўринда савол:
масъуллар ва «ДУК»чилар
шунча маблағни совириш
учун тегишли қарордан
«тешик» қидиришга қарор
қилишмаганмикин?
Яна бир гап. Вазир-
лик фазначилари нега
бу талон-торожликлар-
нинг олдини ололмапти?
Ахир улар бу ҳолатларни
аниқлаш ва йўл қўймас-
ликка, «ДУК»чиларнинг
«чизилган»ини узил-кесил
чизиб ташлашга масъул
эмасми?



Зулфияхонимни эслаб...



**Сурдарё
вилояти**

Оқланган ишонч

Масъулияти чекланган жамият шаклидаги «Индорама агро» хорижий корхонасида касаба уюшмаси ташкил этилганига кўп бўлгани йўқ. Айна пайтда жамоа шартномаси тузилиб, барча бандлари бажарилишига эришиляпти. Бунда тармоқ ходимларининг иш берувчи ва ишловчи ходимларга тизим ҳақидаги тарғиботи ва кенг тушунча бериб келаётгани муҳим аҳамият касб этмоқда.

Корхона бошланғич ташкилоти раиси этиб сайланган Шерзод Алибоев қисқа фурсатда анча ҳолатда ҳам айнан касаба уюшмасининг аралашуви ва қатъийлиги сабаб

ҳодим ўз ишида қолди. Гап шундаки, хорижий корхонанинг Сардоба тумани бўлимида хавфсизлик ёрдамчиси бўлиб ишлаб келаётган Рустам Анорбоевнинг меҳнат шартномаси иш берувчи ташаббуси билан бе-



Касаба уюшма аралашгач...

кор қилинди. Бунга ходимнинг ишлаш давомидаги турли камчиликлари асос қилиб келтирилган. Ҳолбуки, буйруқ чиқарилган вақтда Р.Анорбоев саломатлигини тиклаётган ва касаллик варақаси мавжуд эди. Ана шу вазиятда корхонанинг касаба уюшма раиси бунга розилик бермади ва буйруқ шу куннинг ўзидаёқ бекор қилинди. Шундай бўлишига қарамай, икки ой давомида ходимнинг ишга келишига тўсқинлик қилинди. Вазият ҳақидаги муурожаатдан сўнг Агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгашининг вилоят бўйича масъул ташкилотчиси аралашуви, меҳнат қонунчилиги тушунтирилиши билан Р.Анорбоев ўз вазифасини давом эттирадиган бўлди. Шунингдек, унга ўтган вақт учун қарийб 12 миллион сўм миқдоридида иш ҳақи тўлаб берилди. Касб номини оқлаш уни эгаллашдан кўра машаққатлидир. Бу гап, айниқса, касаба уюшмаси тизимида меҳнат қилаётганларга қарата айтилгандек.

Қаршибой ЭШНАЗАРОВ,
Агросаноат мажмуи ходимлари
касаба уюшмаси Гулистон шаҳар
кенгаши раиси

**Сурхондарё
вилояти** | Анжуман

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Сурхондарё вилояти кенгашида Транспорт, йўл ва капитал қурилиш, қурилиш индустрияси ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгаши ташаббуси билан «Янги Меҳнат кодекси – янги имкониятлар» мавзусида анжуман ташкил этилди.

ЯНГИ МЕҲНАТ КОДЕКСИ – ЯНГИ ИМКОНИЯТЛАР

Тадбирда тармоқ касаба уюшмаси Сурхондарё вилояти кенгаши тасарруфидаги корхона, ташкилот ва муассасаларнинг бошланғич касаба уюшма қўмиталари раислари, транспорт ва қурилиш тармоқлари соҳасида меҳнат қилаётган ходимлар қатнашдилар. Транспорт, йўл ва капитал қурилиш, қурилиш индустрияси ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгашининг ижтимоий ҳимоя масалалари бўйича бош мутахассиси Шохиста Чориева Меҳнат кодексига киритилган асосий ўзгаришлар ҳақида батафсил маъруза қилди.

Тирилади. Меҳнат соҳасидаги ижтимоий шериклик органлари тизимини бошланғич, ҳудудий, тармоқ ва республика даражасидаги бошланғич касаба уюшма қўмиталари раислари, транспорт ва қурилиш тармоқлари соҳасида меҳнат қилаётган ходимлар қатнашдилар. Меҳнат соҳасидаги ижтимоий ҳимоя масалалари бўйича бош мутахассиси Шохиста Чориева Меҳнат кодексига киритилган асосий ўзгаришлар ҳақида батафсил маъруза қилди.

– Янги таҳрирдаги Меҳнат кодекси жорий йилнинг 30 апрель куни кучга кириди, – дея таъкидлади у ўз маърузасида. – У 7 бўлим, 34 боб, 581 моддадан иборат бўлиб, унга киритилган асосий ўзгаришлар ишчи-ҳодимлар манфаатларига хизмат қилади. Бунда касаба уюшмаси томонидан меҳнат қонунчилиги ва жамоа шартномаларининг қабул қилиниши жараёнидан тортиб, унинг ижроси юзасидан жамоатчилик назорати кучай-

Янги Меҳнат кодексининг ҳар бир йўналиши атрофида тушунтирилди. Иштирокчилар меҳнат шартномасини тузиш, ишга қабул қилиш ва дастлабки синов мuddатлари, ишдан четлатиш борасидаги саволларига муфассал жавоблар олишди.

Азим ШЕРДОНАҚУЛОВ,
Транспорт, йўл ва капитал
қурилиш, қурилиш индустрияси
ходимлари касаба уюшмаси
Сурхондарё вилояти кенгаши раиси



Сурхондарё
вилояти

Тадбир



Ёшлар билан учрашув

Термиз Агротехнологиялар ва инновацион ривожланиш институтида Ўзбекистон касаб уюшмалари Федерацияси Сурхондарё вилояти кенгаши раиси Абдукарим Аҳмедовнинг ёшлар билан учрашуви бўлиб ўтди.

Унда қайд этилганидек, вилоят кенгашида 2535 та бошланғич ташкилот бўлиб, уларда 338184 нафар касаб уюшма аъзоси бирлашган. Шунинг 91 356 нафарини, яъни 27 фоизини ёшлар ташкил этади.

– Бугунги Янги Ўзбекистоннинг янги касаб уюшмалари шаклланди, яъни тизим фаолиятига доир ҳуқуқий асос такомиллаштирилди, – деди А.Аҳмедов учрашув давомида. – Касаб уюшмалари ёшларнинг ижтимоий-иқтисодий манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида ҳам қатор ишларни амалга оширмоқда. Жумладан, маънавий-маърифий, спорт тадбирлари, танловлар ўтказиб келинаётир. «Ўзбекистон бўйлаб саёҳат қил» лойиҳаси доирасида

200 нафарга яқин ёшларнинг саёҳатлари ташкил этилди. Ҳар йили иқтидорли талабаларга танлов асосида «Касаб уюшма стипендияси» бериш аъёнага айланган.

Тадбирда талаба-ёшлар ўзларини қизиқтирган саволларга аниқ жавоблар олишди. Учрашув якунида институтнинг 3-босқич талабаси Гулбодом Қорашеровага касаб уюшмалари стипендиясини олиш ҳуқуқини берувчи сертификат топширилди.

Шарафиддин ТУРДИЕВ,
Ўзбекистон касаб уюшмалари Федерацияси Сурхондарё вилояти кенгаши раисининг Ёшлар масалалари бўйича маслаҳатчиси



Қашқадарё
вилояти

Фаоллар йиғилиши



Ҳамфикрликда гап кўп

Таълим ва фан ходимлари касаб уюшмаси Қашаши тумани кенгашида бўлиб ўтган фаоллар йиғилишида «Меҳнат кодекси»га киритилган ўзгартиришлар янги тузиладиган жамоа шартномалари бандларида қай даражада ўз ифодасини топишига оид тавсиялар берилди.

– Кенгашга 125 та бошланғич ташкилот ва уларда ишлайдиган 9000 нафар ходим уюшган, – дейди Таълим ва фан ходимлари касаб уюшмаси Қашаши тумани кенгаши раиси Феруза Абдураҳмонова. – Аъзоларимиз касаб уюшма имтиёзларидан қанчалик баҳраманд бўлиши жойлардаги етакчиларга кўпроқ боғлиқ. Эҳтиёжман ходимлар борми, ётиб қолган педагоглар борми, уларнинг рўйхати касаб уюшма етакчиси столи устида туриши зарур ва ҳар бирига имкон қадар ижтимоий ҳимоя тадбирлари белгиланиши лозим. Бошланғич ташкилот етакчилари ўз жамоасида меҳнат қонунчилиги талабларига тўлиқ риоя этиши, бўёки ҳуқуқшунос каби хolis бўлиши лозим. Ана шунда иш берувчининг ҳам, ходимнинг ҳам ишончи ортаверади. Айни кунларда туманда бешта давлат мактабгача таълим ташкилоти ҳамда 19 та оилавий нодавлат боғча ўз фаолиятини бошлаш арафасида. Мазкур таълим муассасалари иш бошлагач, уларнинг ходимларини ҳам касаб уюшмасига аъзо қилиш режамиз бор.

Тадбирда туман халқ таълими бўлими мудирини ўринбосари Акмал Йўлдошев ҳам сўзга

Акмал АБДИЕВ
«ISHONCH»



Бухоро
вилояти

Эҳтиром

Юрт равнақи йўлида хизмат қилган аёл

Хотин-қизлар мамлакатимизнинг ижтимоий-иқтисодий, сиёсий ва маънавий ҳаётидаги барча соҳаларда самарали меҳнат қилишяпти. Эл-юрт манфаатлари йўлида узоқ йиллар хизмат қилган ана шундай фидойи аёллардан бири Норжон Бозоровадир. Давлат муассасалари ва жамоат хизмати ходимлари касаб уюшмаси Бухоро вилояти кенгаши тизимида ишлаб, пенсияга чиққан меҳнат фахрийси бугун таваллудининг 70 йиллик юбилейини нишонламоқда.

Шу муносабат билан Ўзбекистон касаб уюшмалари Федерацияси Бухоро вилояти кенгашида учрашув ташкил этилди. Унда Норжон Бозорованинг бир қатор ҳақмақсблари ва оила аъзолари иштирок этди.

Тадбирда Ўзбекистон касаб уюшмалари Федерацияси Бухоро вилояти кенгаши раиси М.Олимов, «Нурунийлар» бўлими раиси С.Хусенов, «Бувижонлар» мактаби жамоатчилик кенгаши раиси Ш.Аҳме-

дова ва бошқалар Норжон опани муборакбод этдилар.

Норжон Бозорова турли соҳаларда фаолият юритиб, юқори натижаларга эришган. Давлат муассасалари тармоқ касаб уюшмаси вилоят кўмитаси раиси, кейинчалик тармоқ кенгашининг Бухоро вилояти бўйича вакили сифатида меҳнат қилган. Унинг узоқ йиллар давомида касаб уюшмаси аъзолари манфаатларини ҳимоя қилиш, ижтимоий шерикчи-

ликни ривожлантириш, бошланғич ташкилотларга амалий ёрдам кўрсатиш, касаб уюшмалари фаолларини ўқитиш ишларида ижобий натижаларга эришгани алоҳида эътироф этилди. Жамоат ташкилотлари, иш берувчилар ва аъзолар ўртасида касаб уюшмаларининг обрў-эътиборини оширишдаги хизматлари учун миннатдорлик билдирилди.

Норжон Бозорова ҳозир 3 фарзанднинг онаси, 9 неварани ва бир эваранинг меҳрибон бувижониси.

Улуғ ёшни қаршилаётган, юрт тараққиёти йўлида фидокорона меҳнат қилган муҳтарам устозимизни чин юракдан муборакбод этамиз.

Абира ИМОМОВА,
Ўзбекистон касаб уюшмалари Федерацияси Бухоро вилояти кенгаши етакчи мутахассиси



Самарқанд
вилояти

Ўқув

Тажриба ва малака оширишди

Ўзбекистон касаб уюшмалари Федерациясининг Самарқанд вилоят кенгаши қошидаги «Самарқанд касаб уюшма» нодавлат таълим муассасасида беш кунлик малака ошириш машғулоти бошланди.

Режага кўра, унда бошланғич касаб уюшма ташкилотлари раислари, ташкилот ва муассасалардаги меҳнат муҳофазаси масъуллари учун машғулотлар ўтказилади. Сабобларда янги таҳрирдаги Меҳнат кодекси моҳияти, «Касаб уюшмалари тўғрисида»ги қонун, меҳнатни муҳофазаси қилиш қоидалари юзасидан жамоатчилик назорати, болалар меҳнати ва мажбурий меҳнатни бартараф этиш бўйича олиб борилаётган ишлар таҳлил қилинади.

Илк машғулотда иштирокчилар Ўзбекистон касаб уюшмалари Фе-

дерациясининг Самарқанд вилояти кенгаши раиси Суҳроб Рафиқовнинг мавзулар юзасидан фикрлари билан танишди. Шунингдек, вилоят кенгашининг масъул ходимлари Мусурмон Мамадиев, Усмон Каримов, Зухра Мамадулова ва бошқаларнинг қонунчилик ва норматив-ҳуқуқий ҳужжатлардаги ўзгаришларга бағишланган маърузалари тингланди.

Рамазон АСҚАРОВ,
Ўзбекистон касаб уюшмалари Федерацияси Самарқанд вилояти кенгаши матбуот хизмати раҳбари



Фарғона
вилояти

Аъзолик афзалликлари

Соғлиқни сақлаш ходимлари касаб уюшмаси Фарғона вилояти кенгашининг аъзолар сафини кенгайтириш доирасида бошлаган кенг кўламли тарғибот ишлари ўз натижасини бермоқда.

Энди улар кўплаб имтиёзларга эга

Бунинг самараси ўлароқ, Қўқон шаҳрида фаолият бошлаган «Avitsenna plus med servis» МЧЖ тиббиёт муассасасида касаб уюшма кўмитаси тузилиб, 55 нафар ходим ҳимояга олинди. Уларнинг ишончи ва меҳрини қозонган Дилбархон Мирзақулова касаб уюшма етакчиси этиб сайланди.

– Янги ташкил этилган ташкилот ва муассасаларда бошланғич касаб уюшма кўмитасини тузиш ва у ерда меҳнат қилаётган ишчи-ходимларга аъзолик афзалликларини тушунтириш натижасида аъзолар сони ортиб бормоқда, – дейди Соғ-

лиқни сақлаш ходимлари касаб уюшмасининг Фарғона вилояти кенгаши раиси Шоҳидохон Каримова. – Эндиликда «Avitsenna plus med servis» МЧЖ тиббиёт муассасаси ходимлари касаб уюшмалари тасарруфидаги сиҳаттоҳларда саломатликларини тиклаши, турли танлов ва мусобақаларда иштирок этиши, умуман олганда, касаб уюшмаларининг кўплаб имтиёзларидан фойдаланишлари мумкин бўлади.

Жамшид ЭРГАШЕВ
«ISHONCH»



Наманган
вилояти

Жараён

«Заковат»да ишчи-ходимлар

Ишчи-ходимларнинг билим ва салоҳиятини юксалтириш, меҳнатга бўлган иштиёқини кучайтириш ҳамда малакасини ошириш мақсадида Металлургия ва машинасозлик саноати тармоқлари ходимлари касаб уюшмаси ташаббуси билан «Заковат» интеллектуал ўйинларига старт берилди.



Тармоқ тасарруфидаги корхона ва ташкилотларнинг ёш ишчи-ходимлари ўртасида ташкил этилган мусобақанинг вилоят босқичида 10 та жамоа иштирок этди. Уйинни «Заковат» ННТнинг Наманган вилояти бўйича координатори ва ННТ аъзоларидан ташкил топган кўнгилчилар гуруҳи олиб борди.

Натижаларга кўра, 1-ўринни «Мехмаш» МЧЖнинг «Ёш резба кесувчилар», 2-ўринни «ЎзЧасис» МЧЖнинг «Меҳнатқашлар», 3-ўринни эса «Сталь-10» жамоаси вакиллари қўлга киритишди.

Мутлақ биринчиликни эгаллаган жамоа «Заковат»нинг республика босқичида иштирок этиш ҳуқуқига эга бўлди.

Иштирокчилар ва ғолибларга ташкилотчиларнинг диплом ва эсдалик совғалари топширилди.

Алимардон ТЎХТАНАЗАРОВ,
Ўзбекистон касаб уюшмалари Федерацияси Наманган вилояти кенгаши раисининг ёшлар масалалари бўйича маслаҳатчиси



Андижон
вилояти

Ҳаёт – синовлардан иборат. Баъзида киши бошига нималар тушишини билмай қолади. Қаноатхон Исроилова-нинг (исм-фамилияси ўзгартирилган) турмуш ўртоғи Андижон шаҳридаги «Ўз Қорам Ко» МЧЖдаги иш жойида бахтсиз ҳодиса туфайли вафот этди.

Меҳнат муҳофазаси

Бахтсиз ҳодисаларга сабаб нима?

Ўзбекистон касаб уюшмалари Федерациясининг Андижон вилояти кенгаши ва бошқа тегишли ташкилотлар мутасаддилари иш берувчига етакчилар зарарини тўлаш тўғрисидаги талаб билан чиқиди. Натижада бева аёлга боқувчисини йўқотгани сабабли 622 миллион сўм товон пули суғурта компанияси томонидан тўлаб берилишига эришилди.

– Ишловчиларга хавфсиз меҳнат шартларини яратиш, уларни махсус кийим-бош, бошқа шахсий ҳимоя воситалари билан таъминлаш, санитария ва маиший шартларни яхшилаш ҳамда жойларда жамоатчилик назорати бўйича ишларни жонлантириш асосий мақсадимиздир, – дейди Ўзбекистон касаб уюшмалари Федерацияси Андижон вилояти кенгашининг меҳнат муҳофазаси бўйича етакчи мутахассиси Дилшодбек Қанонов. – Афсуски, баъзи иш берувчиларнинг меҳнатни муҳофазаси қилиш тўғрисидаги қонунларга риоя қилмаслиги, қолаверса, ишловчиларнинг меҳнат муҳофазаси тартиб-қоидаларига бепарволиги туфайли иш жойларида бахтсиз ҳодисалар учраб турибди. Бунга йўлсозларнинг муҳофазаси тўсиқларини ўрнатмасдан ишларни оқибатида турли хил йўл-транспорт ҳодисалари келиб чиқаётгани мисол бўла олади.

Юзага келган вазиятга жиддий ёндашилиб, ишлаб чиқариш билан боғлиқ бахтсиз ҳодисаларда жабрланганларга ва уларнинг оилаларига вилоят кенгашининг меҳнат муҳофазаси бўлими томонидан иш берувчилар ҳамда суғурта компаниялари томонидан зарар тўловларининг вақтида бериб борилиши бўйича назорат ўрнатилган.

Анваржон ҲАЛИМОВ
«ISHONCH»



Таҳририятдан: «Ishonch» газетасининг 2022 йил 29 сентябрдаги «Депутатлар маҳкумлар тарафида эмас(ми?)» сарлавҳали мақола эълон қилинган эди. Ушбу мақола юзасидан кўплаб фикр-мулоҳазалар билдирилди. Жумладан, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Спикери ўринбосари Одилжон Тожиевнинг муносабати ҳам газета саҳифаларида эълон қилинди. Яқинда яна бир фуқаро кўтарилган мавзу юзасидан ўз фикр-мулоҳазаларини чоп этишимизни сўради. Қуйида уни эътиборингизга ҳавола қилаётимиз.

«УМРИМНИНГ ҚАРИЙБ 14 ЙИЛИ ҚАМОҚДА ЎТДИ...» ёхуд собиқ маҳкумнинг иқрори

ТАБИБ ТАБИБ ЭМАС, БОШИДАН ЎТКАЗГАН ТАБИБ
...Ўзимни ўқирман ҳисобламайман. Аммо ҳар замонда бир газеталарни варақлаб тураман. «Ishonch» газетасида «Мен не дейману кўбизим не дейди...» сарлавҳали мақолани ўқидим. Чунки кўтарилган мавзу менга бегона эмас...

шу соҳани яхши ўзлаштирдим. Бу ишга тўғма қобилиятим бор десам ҳам муболаға бўлмайди.
Биринчи сафар. 19 ёшимда ўғрилиқда айбланиб, олти йилга ҳукм қилиндим. Лекин тўрт ой ўтгач афв этилиб, озодликка чиқдим. Шундан сўнг бир йиллар чамаси ўзим қизиққан касб – тикувчилик хунари билан шуғулландим. Бироқ менга нимадир етишмаётгандек эди.

Иккинчи сафар. Фирибгарликда айбланиб, беш йилга озодликдан маҳрум этилдим. Қамоқда уч йилдан ортиқ ўтиргач, яна муддатидан олдин озод қилиндим.
Озодликка чиққач, ўз соҳам бўйича иш изладим. Тўғри йўлга қайтмоқчи эдим. Бироқ кўпчилик қамалганимни эшитгач, ёрдам беришни хоҳламади. Ўзимни худди кераксиз буюмдек ҳис қилдим.

Учинчи сафар. 2012 йил 166-модда билан ўн йилга озодликдан маҳрум этилдим. Бу гал жазо муддатини тўлиқ ўтадим.
Бошимга тушган кўргиликларда ҳеч кимни айбдор санамайман. Ҳаммасига ўзим сабабчман.
Тутқунликда менга нисбатан зўравонлик ёки қонун бузилиш ҳолати бўлмаган. Аксинча, у ерда ўзим қизиққан соҳа бўйича ўқидим, ўргандим, сертификат олдим.

Хуллас, қарийб ўн тўрт йил умрим маҳкумлиқда ўтди. Тўғриси, афсус-надоматларим, изтиробларимни сўз билан ифодалаб бериш қийин.
Озодликка чиқарканман, ўз олдимга мақсад қўйдим: энди бу йўлга сира қадам босмайман.
Жазони ижро этиш муассасаларидаги шарт-шароит жуда оғир, маҳкумлар ҳақида босим остида бўлади, деган гапларга унчалик кўшилмайман. Ҳар ҳолда, бошқа мамлакатларнинг қамоқхоналари билан бизникининг орасида ер билан осмонча фарқ бўлса керак.

Маҳкумларнинг тузалиш йўлига ўтганини баҳоловчи мезонларни оғир деб ўйламайман. Аксинча, ҳақиқатан ҳам, жиноят содир этиб, ўз айбига иқдор бўлиб, жазога тортилганларни қатъий талаб ва мезонлар асосида қайта тарбиялаш тарафдориман. Токи бир марта адашиб, жиноят йўлига кирган инсон бу ишни қайта содир этмасин.
Асосий гап. Жиноятчилиқни камайтириш, жазога тортилганларни тўғри йўлга солиш учун тарғибот-ташвиқот тадбирлари билан-

гина чекланиб қолмасдан, амалий ишларни қилиш керак, деб ҳисоблайман.

Тўғри, озодликка чиққан ҳар бир маҳкумга худудидаги маҳалла инспектори бириктирилиб, назорат қилинади. Аммо бу шунчаки расмиятчилик учун, холос.
Амалда эса, жиноят содир этиб озодликка чиққан одамни ҳеч ким қўллаб-қувватламайди. Улар ўз ҳолига ташлаб қўйилапти. Балки шу сабабли бир марта жиноятга қўл урган шахс яна бу ишга қўл ураётгандир...

Тан олиб айтиш лозим, бу борада ҳукумат бир қанча ижобий ишларни амалга оширмоқда. Хусусан, Президентимизнинг 2022 йил 29 июндаги «Озодликдан маҳрум этиш жазосини ўтаб бўлган фуқароларнинг ижтимоий мослашувиغا кўмаклашиш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори асосида ишлаб чиқилган тегишли низомга биноан жазо муддатини ўтаб чиққанларга тадбиркорлик, меъморчилик, хўнарамдчилик каби йўналишлардаги лойиҳаларини амалга ошириши учун маҳаллий бюджет (туман, шаҳар, вилоят) ҳисобидан бир марталик моддий ёрдам (меҳнатга ҳақ тўлашининг энг кам миқдорининг 10 баравари миқдоридан – 9 миллион 200 минг сўм) ажратилиши белгиланган.

Афсуски, ушбу қарор ҳам амалда ўз ижросини топмаётгандек. Шаҳсан ўзим тадбиркорлик қилиш мақсадида масъулларга мурожаат қилдим. Бироқ бундан деярли натижа бўлмади. Ҳоким ёрдамчиси томонидан менга икки миллион сўм маблағ берилди, холос.

Бошқа чора қолмагач, ўз номимга кредит олиб, тикув машинаси харид қилдим. Айни пайтда тикувчилик билан шуғулланяман.

Хулосам шуки, ҳар қандай ҳолатда ҳам жиноятчини оқлаб бўлмайди. Лекин у ҳам инсон. Унинг ҳам ҳаётдан умиди бор. Яхшии керак. Бунинг учун эса унинг ёнида тўғри маслаҳат берадиган, қўллаб-қувватлайдиган одам бўлмоғи лозим. Жамият уларнинг кейинги тақдири, ҳаётга мослашуви борасида қайғуриши, зарур чоралар кўриши керак. Зеро, бугун жазо муддатини ўтаб чиқиб, ҳаётда ўз ўрнини тополмай юрганлар анчагина.

P.S: Фуқаронинг шахсий маълумотлари таҳририятда мавжуд.



Андижон вилояти



Хайрли ташаббус

Кенгаш кутубхонаси – ходимлар нурхонаси

Инсон маънавиятининг юксалишида китоб мутолааси муҳим ўрин тутди. Бироқ биз кейинги йилларда бу бебаҳо неъматдан бебаҳра қолаётгандек эдик. Шу боис Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг Андижон вилояти Кенгаши раиси Қодиржон Парпиев ташаббуси билан ходимлар ижтимоий-сиёсий ва бадий адабиётлар имкониятидан тўла фойдаланишлари учун зарур шарт-шароитлар яратиш мақсадида алоҳида кутубхона ташкил этилди. У замонавий китоб жавонлари билан жиҳозланиб, 38 номдаги 200 тага яқин китоб келтирилди.

– Кутубхонага кириб, бадий асар ўқишнинг ўзига яраша завқи бор, – дейди Кенгашнинг маданий-маърифий ва спорт ишлари бўлими бошлиғи Қодиржон Парпиев. – Бундай лаҳзаларда ўзининг донишмандлар даврасида ўтиргандек ҳис қиласиз. Кўз ўнгида илм-маърифатнинг чексиз сарҳадлари очилади. Қолаверса, китобларни уйга олиб кетиш имконияти яратилгани жуда яхши иш

бўлди – эндиликда хонадонларимизга ҳам илму урфон кириб борапти.

Яна бир гап. Ходимлар ўқиган асарлар кенгашда ўтказиладиган маънавият соатлари жараёнида кенг муҳокама қилиниб, ўзаро фикр-мулоҳазалар алмашилмоқда. – Кутубхонадаги китоблар турли тадбирлар уюштиришда ҳам асқатмоқда, – дейди кенгаш мутахассиси Алимардон Асқаров.

– Мумтоз шоир-ёзувчиларимизнинг таваллуд айёмлари муносабати билан ғазаллар ёдлаб, баҳру байтлар ўқиб, дилимиз яйрайди ва кайфиятимиз кўтарилади. Қанчалик кўп китоб ўқисак, сўз бойлигимиз ортиб, турли ҳужжат ва маълумотларни давл тилида тайёрлашимиз осонлашмоқда.

Анваржон ҲАЛИМОВ «ISHONCH»

«Ер ости сув ресурсларини муҳофаза қилиш ва улардан оқилона фойдаланишни тартибга солиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Президент қарори 2022 йил 7 декабрда қабул қилинган. Мазкур қарорнинг амалиётга татбиқ этилиши, мақсад ва вазифалари, ер ости сувлари ва хавфли экзоген геологик жараёнлар мониторингини такомиллаштиришга бағишланган матбуот анжуманида қизиқarli маълумотлар берилди.

Фикрга фикр

олиш мақсадида жойларга замонавий ускуналар қўйилиб, ҳолатни кузатиб туриш имкониятлари яратилади.

Айрим ҳудудларда, жумладан, Фарғона водийсида ер ости сувлари борган сари пасаяётгани кузатилаётгани ва бу ҳолатнинг олдини олиш учун зарур чора-тадбирлар кўрилаётгани маълум қилинди.

Нимаям дердик, сувни асраб-авайлаш борасидаги чора-тадбирларнинг амалий натижасини вақт кўрсатади.

Умид қиламизки, билдирилган фикрлар, аниқроғи, кўрилаётган чора-тадбирларда «сув» йўқ!

Умида ХУДОЙБЕРГАНОВА «ISHONCH»

Тошқин ва кўчкилар эътиборда(ми?)

Тадбирда «Ўзбекидроггеология» давлат унитар корхонаси мутасаддилари фойдаланилаётган ер ости сувлари ҳисобини юритиш тизимини такомиллаштириш, сувдан оқилона фойдаланишда назоратни кучайтириш,

соҳада қўлланилаётган замонавий технологиялар, ер ости сувлари ҳамда экзоген геологик жараёнлар мониторингини юритиш ҳақида талай маълумотлар беришди. Таъкидландики, бундан буён сув тошқинлари, кўчкиларнинг олдини



Наманган вилояти



ЯРИМ АСРЛИК БОҒЧА БИНОСИ

Ундаги муаммоларни ким бартараф этади?

Наманган шаҳрининг қоқ марказида 33-мактабга таълим муассасаси бор. Аллақачон эллик «ёш»ни қоралаб қўйган бу боғчага қадам ранжида қилган киши ўзини гўёки ўтмишга тушиб қолгандек ҳис этади. Зеро, тўқилай-тўқилай деб турган бинонинг аянчли аҳволини кўрган киши дастлаб ичкарида ҳеч зог бўлмаса керак, деган фикрга бориши мумкин. Аммо ўта абгор даражага келиб қолган муассасага бугунги кунда 120 нафар болақай қатнаётганини, уларга қирқ нафар ходим тарбия бераётганини эшитгач, бу

ҳолатга нисбатан зудлик билан қатъий чора кўриш шарт, деган хулосага келиши тайин.

Шу боис Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг Наманган вилояти Кенгаши меҳнат-техник инспектори Мирзанозир Қорабоев ҳамда Ўзбекистон таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Наманган шаҳар бўлини маси кенгаши раиси Акмал Умаров Меҳнат кодексининг 9-моддасига ва «Касаба уюшмалари тўғрисида»ги қонунга мувофиқ, ушбу мактабга таълим ташкилотда ўрганишлар олиб боришди. Пировардида, ходимлар ва

тарбияланувчиларнинг ҳаёти ҳамда соғлиғига хавф туғдирувчи ва пугур етказувчи бир қанча камчиликлар мавжудлигини аниқлашди.

Дарвоқе, Наманган шаҳар, «Зиёкор» МФЙдаги Бешкапа кўчасида қад ростлаган мазкур боғча узоқ йиллар мобайнида умуман таъмирланмаган, боз устига, санитария қоидалари ва гигиена талабларига мутлақо жавоб бермайди. Бинони шамоллатиш, иситиш, ҳавони совитиш, канализация тизимлари ҳам ночор аҳволда. Энг ачинарлиси, боғча ходимлари ва тарбияланувчиларига муносиб шароит яра-

Оғриқ тишлар

тилмаган. Бинонинг том қисми ниҳоятда таъмирталаб. Кичкинтойлар ётадиган хоналарга ёмғирли кунларда чакка томиб, кўлмақлар ҳосил бўлавергани оқибатида тахта поллар чириб кетган. Деворлардаги ёриқлар ва тешиқлар қўлбола усулда амал-тақал қилиб беркитиб қўйилган. Стол-стуллари ҳам ярқисиз, айримларини фақат ўтин қилиб ёқиш мумкин.

Табиийки, бунинг учун ҳамма айбни боғча мудирасига тўнкаб, қўйиш адолатдан бўлмади. Негаки, давлат муассасаси жойлашган ушбу иншоот узоқ йиллар мобайнида соҳа мутасаддилари эътиборидан четда қолган, уни таъмирлашга ажратилган маблағлар эса ноўрин ишлатилган. Алқисса, жажжи фарзандларимиз тарбияланганидан даргоҳ шу қадар аянчли ҳолатга келиб қолган.

Юқорида тилга олинган муаммолар ижобий ечим топишдан муассаса жамоаси, тарбияланувчилари ва ота-оналар ҳам бирдек манфаатдордирлар. Демак, соҳа масъуллари кўпчилиқни ташвишлантираётган масалага «ўнг кўз» билан қарашлари, боғчадаги хато-камчиликлар ва ноқулайликларни тез орада бартараф этишлари шарт!

Орзугул РУСТАМОВА «ISHONCH»



Хотира уйғонса гўзал

Зулфияхонимни эслаб...

Зулфия опанинг ёнларида юриб, сўхбатларига баҳраманд бўлиш менга ҳам насиб этган ва бундан бахтиёрман.

Тунов куни ёшлардан бири телефон қилиб, «Опа, Зулфиячи қизлардан танишларингиз борми, Зулфияхоним ҳақида материал тайёрлаётганим», деб қолди. Мен унга «Зулфиячиларни топиш шартми, Зулфия мукофотини олмаган, ололмаган, аммо опанинг ижодини яхши биладиган, шеърятни, адабиётни теран тушунадиганлар кўп-ку. Қолаверса, фақат қизлар эмас, йигитлар ҳам бор. Улардан ҳам фикр сўраш керак. Зулфияхоним билан бирга ишлаган, бир бинога кириб чиққан қанча-қанча журналистлар, техник ходимлар бор. Ушаларни топиш керак. Улар ҳам камчилик қолмаган, излаш керак...» дедим.

Туғилган куни муносабати билан ҳар йили баҳорда Зулфияхонимни эслаймиз. У ҳақида ёзамиз, тадбирлар

ўтказамиз, ёд этамиз. Адиблар хиёбонидидаги ҳайкали пойига гуллар қўямиз. Аслида, Зулфия опа ҳаёт чоғида ўзларига ҳайкал қўйиб кетди. Улмас шеърлари вафо, садоқат рамзи сифатида эътироф этилади бугун. Ёдлаганинг, ўқиганинг сари юракка муҳрланиб қоладиган хазина қолдириб кетди.

Талабалик йилларимизда ўқишдан сал бўшасак, газета ва журналлар тахририятларига югурардик. Машқларимизни, қораламаларимизни олиб борардик. Муҳаррирлар бўяб-бежаб берган қораламаларимизни яна қайтадан ёзиб, тахририятга элтардик. «Саодат» журнали ана шундай сеvimли масканларимиздан бири эди. Айниқса, бош муҳаррир Зулфия опани кўриши иштиёқи банд бўлган. Ишга келишларини кутиб турардик. Опа ўзига ярашган виқор ва салобат билан юрарди. Биринчи марта учрашганимда, роса ҳаяжонланганман. Нима дейман, қандай гапираман, менга нима деркин, деб ўйлаганман. Йўқ, илк кўришгандаёқ меҳри ва самимияти йўл очиб берди.

Хатларимни онамга элиб берадиган китоблик почтачи Сония опа ҳақида мақола ёзганим. Кичкина бўлсаям, мақолам опанинг эътиборини тортганидан, аниқроғи, эътибор қил-

ганидан ва мени йўқлатганидан бошим осмонга етди.

«Саодат» журналига жудаям кўп хатлар келарди. Дарсдан бўш пайтимизда келиб, хатларни саралашда ёрдам берардик. Айримларини ўрганиб ҳам келардик. Шунинг учунми, бир бўлимда иш ўрни бўшагач, мени ҳам тавсия қилишди.

Сўхбатдан ўтиш учун Зулфияхонимни қабулхонада кутиб турдим. Опа ўзларига хос салобат билан кириб келди. Сочлари бир текис, бўйнидаги рўмол бирам ярашган. Саломимга алик олиб, хонага кириб кетди. Одоб юзасидан бироз кутиб турдим. Киришга ишора бўлгач, ичкарига йўналдим.

Опа рўпарамдаги стулга келиб ўтирди. Аввал журналдаги чиқишларимга тўхталди. Кейин онам, уйдагиларим ҳақида сўради. Мен ишламоқчи бўлган бўлимда иш кўплиги, бунинг учун ҳали ёшлигим, ҳаётий тажрибам етарли эмаслигини таъкидлаб, журнал саҳифаларида тез-тез чиқишлар қилиб туришимни тайинлади. Шу-шу, журналдан узилмадим...

Ҳаётимда, ижодимда Зулфияхонимнинг улкан ўрни бор.


Инобат ОЙДИН,

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси



Ҳикмат
Буюк қалблар изтиробларини сукрут билан ўтказадилар.
Фридрих ШИЛЛЕР

У ЖУРНАЛИСТИКА УЧУН ТУҒИЛГАН ЭДИ...



Архив

«У иқтидорли ёшларни имкони борича қўлаб-қувватлайдиган истеъдод эди.

Унинг ўзи ҳам, қалами ҳам ўткир эди.

У чарчоқ нималигини билмасдан тинимсиз ишлар ва изланар эди.

У ичидаги туғёндан тезроқ қутулиш мақсадида ўзи бошчилик қилган газеталарда турли тахаллуслар билан танқидий-таҳлилий мақолалар эълон қиларди.

У журналистларга кимлиги эмас, қаламига қараб баҳо берар эди.

У топиб, қойиллатиб ёзадиганларни, ишлайдиган, изланадиган ходимларни беҳад қадрлар эди.

Унинг учун журналистикада гина-кудурат йўқ эди. Агар зўр мақола қўлига тушса, уни (мабодо,

Ҳикмат
Кичкина бир яхшилик қилиш учун ҳам одам (балки буюк одам) бўлиш керак; катта ёмонлик қилишга кичик одам ҳам қодир.
Асқад МУХТОР

муаллиф билан ораларидан оламушук ўтган бўлса ҳам) тезда газетада эълон қилдирилар эди.

Унинг ваколати ва мартабасидан кўпчилик таниш-билишлари яхшигина фойдаланишган.

У собиқ иттифоқ Олий Совети депутати сифатида Кремлдаги катта минбарларда «Ўзбек иши», «Пахта иши»ни қоралаб, ўзбек халқини ёқлаб чиқишлар қилган.

У юрт ва халқ манфаати учун ҳақ сўзни айтишдан ҳайиқмаган!

У журналистика учун туғилган...

Шу ва шунга ўшаш дил сўзлар, ўчмас хотиралар давлат ва жамоат арбоби, «Халқ сўзи» ва «Народное слово» газеталарининг биринчи бош муҳаррири, 1989-1991 йилларда Ўзбекистон журналистлар уюшмасига раҳбарлик қилган Аҳмаджон Мухторов хотирасига бағишланган тадбирда янгради.

Тўғриги, баъзан айрим тадбирларга бориб, йўқотган вақтинга ачинасан. Асосан ҳисобот ва телевидение учун ўтказиладиган бундай «анжуман»ларда ташкилотчилар 10-15 кишилик столни тўлдирдиш учун одам тополмай ҳалак бўлишдади ва ўзларининг ходимларини ўтказиб қўйишдади.

Бу сафарги тадбирга узоқ ва яқиндан, Аҳмаджон Мухторовни билган, таниган ва соғинган 40 дан ошди киши келди. «Нуроний» жамғармасининг мажлислар залида бўлиб ўтган хотирлаш маросимида шунақанги фикр-мулоҳазалар айтилдики, аслида, улар катта бир кўрсатув ва мақола учун тайёр «масаллик».

Тадбирда сўз олганлардан бири, таниқли журналист ва ёзувчи Хуршид Дўстмуҳаммад шундай деди: «1992 йил 16 ва 17 январь кунлари талабалар шаҳарчасида содир бўлган воқеа-ҳодисалар ҳақида «Айб оломонда эмас!» сарлавҳали мақола ёзиб, уни Аҳмаджон акага бериш мақсадида «Халқ сўзи»га бордим. Билардимки, бу мақолани эълон қилиш мумкин бўлса, фақат Аҳмаджон ака газетанда бера оларди. Хуллас, қабулхонадаман. Бош муҳаррир ёрдამчиси «Бугун редакторнинг кайфияти йўқ, бошқа кун келарсиз. Кутишингиздан фойда йўқ, бу ерда турманг...» деди. Мен индамай кутавердим. Бир маҳал ичкаридан Аҳмаджон ака чиқиб келди, сўрашдик. Ўша жойнинг ўзида мақолани бердим, хайрлаш-

дик. Биласизларми, мен тахририятга 3 февраль кун боргандим. Мақола эса эртаси кун, яъни 4 февраль кун эълон қилинди. Мана, тезкорлик, мана, юрак! Агар Аҳмаджон ака кимлар биландир маслаҳатлашганда, мақола аниқ чиқмас эди. Мана, ўша мақола...».

Филолог олим ва адиб Олим Тошбоев ҳам тадбирда жуда қизиқарли чиқиш қилди: «Мен Аҳмаджон акани кўрмаганман. У киши «Халқ сўзи»ни гуриллатиб чиқарган пайтда биз талаба эдик. Кейинчалик «Халқ сўзи» ва «Қишлоқ ҳаёти» газеталарининг тахламларини ўқиб, шунга амин бўлдимки, Аҳмаджон ака раҳбарлик қилган йилларда, бу газеталар «ёниб», ёриб чиққан экан. Аҳмаджон аканинг ўзи ва бошқалар ёзган ҳар жиҳатдан ўқишли мақолаларни эълон қилиш учун бош муҳаррирда катта юрак бўлиши керак...».

Менимча, Аҳмаджон Мухторовнинг ижоди ва фаолиятини газеталар «подшивка»лари орқали ўқиб-ўрганган ва бу ҳақда қатор мақолалар эълон қилган, хусусан, «Мен йўқман. Ёлғонлар мени йўқотди...» сарлавҳали мақола муаллифи Олим Тошбоев гарчи Аҳмаджон акани кўрмаган, У киши билан ҳамсўхбат бўлмаган бўлса-да, лекин улуғ журналистни айрим «билгичлар»дан ҳечам кам билмайди.

Ҳаёт – қизиқ! Биз баъзан ёнимиздаги тирик афсоналар, юрт учун, халқ учун куйиб-пишадиган майд ва жасур, улуғ инсонларни сезмаймиз, уларнинг қадрига етмаймиз. Нега?..

Аҳмаджон аканинг бошида қора булутлар айлиниб, «қора рўйхатга» тушганда, кечагина у кишига яқин юрганлар ўзларини четга олишган ва бундайлар ҳозир ҳам бор.

Узоқ вақт давом этган, аммо вақт ўтгани сезилмаган тадбирда яхши бир тақлиф билдирилди. У ҳам бўлса, Аҳмаджон Мухторов ҳақида китоб яратиш!

Агар шу китоб чиқса, зўр иш бўларди, Аҳмаджон акани биладиганлар ва билмайдиганлар учун ҳам. Талабалар ҳамда «билагон» ёш журналистларни гапирмаса ҳам бўлади.

Алижон АБДУРАҲМОНОВ
«ISHONCH»

Унутилган улуғлар



Одамлар орасида

ЙЎЛОВЧИ... КАР ЭДИ

Онам иккимиз ишчилар шаҳарчасида яшовчи доимни кўриб, ўйга қайтаётган эдик. Қоимгидек автобусни узоқ кутишимизга тўғри келди. Ниҳоят, унинг қораси кўринди. Иш кунни бўлгани учун салон тирбанд эди.

Бир амаллаб орқа томонга ўтиб олдик. Онамга бир йигит жой бўшатиб берди. Олой бозорига келганимизда кўпчилик тушиб қолди. Аммо бу бекатдан анчагина йўловчилар салонга чиқишди ҳам.

Бироздан сўнг қаторимизда ўтирган 30-35 ёшлардаги оддийгина кийинган бир аёл ўрнидан турди-да, шоша-пиша тушиб қолишга ошиқди. Бу пайтда салонга чиққан, ўзига оро бериб, чиройли кийиниб олган, тўладан келган 45 ёшлар чамасидаги башанг кийинган аёлга унинг турткиси ёқмади. Атайлаб гавдаси билан йўлни тўсиб, уни бор кучи билан туртиб юборди. Шунда ҳам юпунгина кийинган аёл лом-мом демади.

Бир амаллаб эшик томонга туртиниб-суртиниб ўтгунча автобус жойидан қўзғалди. Аёл бошқа йўловчилар қатори ҳайдовчига «Тўхтаиб юборинг, тушиб қолай!» демади. Қўллари билан нималарнидир имо-ишора қилади, холос. Аммо йўловчилар ўзлари билан ўзлари овора эди. Ҳеч ким унинг бу ҳаракатига эътибор бермади.

– Вой, у кар-соков экан, – деди онам менга шивирлагандек. – Олдинроқ билганимизда, одамлардан узор сўраб, унинг тушиб кетишига кўмаклашган бўлармидик.

Юпунгина кийинган аёл кейинги бекатда тушиб, ортига қайти. Кўнглимиз ғаш бўлди. Бир ногиронга ёрдам беролмаганимиз учун ўзимизни айбдор ҳис қилдик.

Шу пайт анави башанг кийинган аёлга нафрат билан тикилдим. У эса ҳеч гап бўлмагандек ён-атрофига кибр билан қараб, ўтиришга жой излаш пайида эди. Сўнгра бир қизнинг ёнига келиб, ўшқирди:

– Катталарга жой берсанг, ўласанми?

Ўриндиқда ўтирган қиз дик этиб ўрнидан турди-да, хишлол бўлганча, узор сўради. Нимагидир бизга ҳаво етишмагандек туюлди. Ён-атрофимиздагилар ҳам у аёлга хушламайроқ тикилишди. Қачонки, у автобусдан тушиб кетгач, «хайрият» дея энгил нафас олдик...

Хонбиби ҲИММАТ қизи,
журналист

ТОШКЕНТ ШАҲРИ ТАНЛОВ ПРЕЗИДЕНТ АСАРЛАРИ БИЛИМДОНЛАРИ

Учтепа туманида ҳудуддаги мактабларнинг 10-11-синф ўқувчилари ўртасида «Президент асарлари билимдони» иншо-лар танлови ташкил этилди.

Унда биринчилиكنи 229-мактаб ўқувчиси Жавоҳир Эргашев қўлга киритган бўлса, иккинчи ўрин 193-мактаб ўқувчиси Салоҳиддин Қаҳқоровга, учинчи ўрин эса 193-мактаб ўқувчиси Муниса Фуломова ва 296-мактаб

ўқувчиси Шокиржон Асадовга насиб этди.

Яқинда ҳудуддаги 238-мактабда ғолибларни тақдирлаш маросими ўтказилди.

– Дунёни лол қолдирадиган авлодлар етишиб чиқаётган мамлака-



тимизда ёшларга улкан имкониятлар яратилмоқда, – дейди Жавоҳир Эргашев. – Эришган ютуғим мени янада масъулиятли бўлишга ундади. Шу билан бирга, яна қўлаб китоб ўқишим кераклигини тушуниб етдим.

Тадбир доирасида иштирокчилар ўртасида викторина ўтказилиб, энг яхши жавоб берган ўқувчилар эътиборли совғалари билан мукофотланди.

Қомила БОЙМУРОДОВА
«ISHONCH»

МУАССИС:
O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi
ISSN 2010-5002
2007-yil 11-yanvarda O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 116-raqam bilan ro'yatga olingan.

«Ishonch» va «Ishonch-Doerpey» gazetalarini tahrir hay'ati:
Qudratilla RAFIQOV (tahrir hay'ati raisi),
Ulug'bek JALMENOVI,
Anvar ABDUMUXTOROV,
Sayfullo AHMEDOV,
Akmal SAIDOV,
Ravshan BEDILOV,
Qutlimurot SOBIROV,
Suhrob RAFIQOV,
Shoqosim SHOISLOMOV,
Hamidulla PIRIMQULOV,
Nodira G'OIYIBNAZAROVA,
Anvar QULMURODOV
(Bosh muharrirning birinchi o'rinborsari),
Mehridin SHUKUROV
(Mas'ul kotib – «Ishonch»),
Valentina MARSENKAY
(Mas'ul kotib – «Ishonch-Doerpey»)

Bosh muharrir
Husan ERMATOV
Bo'limlar:
Kasaba uyushmalari hayoti – (71) 256-64-69
Huquq va xalqaro hayot – (71) 256-52-89
Milliy-ma'naviy qadriyatlar va sport – (71) 256-82-79
Xatlar va muxbirlar bilan ishlash – (71) 256-85-43
Marketing va obuna – (71) 256-87-73

Hududlardagi muhbirlar:
Qoraqalpog'iston Respublikasi – (+998-97) 506-86-98
Andijon viloyati – (+998-99) 889-90-23
Buxoro viloyati – (+998-91) 406-43-24
Jizzax viloyati – (+998-99) 889-90-34
Namangan viloyati – (+998-99) 889-98-02
Navoiy viloyati – (+998-99) 889-90-28
Samarqand viloyati – (+998-99) 889-90-26
Sirdaryo viloyati – (+998-99) 889-98-55
Surxondaryo viloyati – (+998-99) 889-90-32
Farg'ona viloyati – (+998-99) 889-90-24
Xorazm viloyati – (+998-99) 889-98-01
Qashqadaryo viloyati – (+998-99) 889-90-27

«Ishonch»dan olingan ma'lumotlarda manba sifatida gazeta nomi ko'rsatilishi shart.
Mualliflar fikri tahririyat nuqtai nazaridan farqlanishi mumkin.

Navbatdagi muharrir:
A. Haydarov
Musahhihlar:
D. Xudoyberganova,
D.Ravshanova
Sahifalovchi:
H. Abdujalilov
Bosishga topshirish vaqti – 00:55
Topshirildi – 01:20

Bahosi kelishilgan narxda
Manzillimiz:
100165, Toshkent shahri,
Buxoro ko'chasi, 24-uy.
E-mail: ishonch1991@yandex.uz
Tahririyat hisobraqami:
2021 0000 0004 3052 7001,
ATIB «Ipoteka bank»
Yashnobod filiali,
bank kodi: 00959,
STIR: 201133889,
OKED: 58130

Gazeta haftaniga seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi.
Gazeta «Ishonch»ning kompyuter markazida teriladi va sahifalandi.

Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi.
Hajmi 2 bosma taqob.
Buyurtma117
Nashr ko'rsatkichi: **133**
Umumiy adadi 31576
16824 nusxasi «Erudit» MCHJ bosmaxonasida chop etildi.
Korxonalar manzili:
Samarqand shahri,
Spitamen ko'chasi, 270-uy.